

Мустақиллигимизнинг 27-йиллиги



**“Азиз ва ягонамансан,
жонажон Ўзбекистоним!”**

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ

«Азиз ва ягонамансан,
жонажон Ўзбекистоним!»



Жонажон ватанимиз - Ўзбекистонимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг кадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажагимизни фақат мустақиллик асосида қуришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли қўрилмаган имкониятларни очиб беради.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз такроран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз: **Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.**

Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий санани ва воқеа-ҳодисларни моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий - сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июнда “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 27 йиллиги тантаналари «**Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!**» шиори остида ўтказилади

«**Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!**» ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ўқтирилди.

Мазкур дастур 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**» Давлат дастури билан уйғун ҳолда ташкилаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini
rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha

HARAKATLAR STRATEGIYASI



Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган

15 та қонун

700 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури доирасида:

2633 та инвестиция лойиҳа амалга оширилди

17599 та янги иш ўрни ташкил этилди

Тижорат банклари томонидан 2,5 триллион сўм кредитлар ажратилди

Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари аҳолининг бошқа ночор қатламларидан 6955 нафари санаторийларда бепул соғломлаштирилди

Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида:

1

• 13339 та лойиҳа амалга оширилди

2

• 2,1 триллион сўм кредит ўзлаштирилди

3

• 10 та эркин иқтисодий зона ташкил этилди

4

• 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилди

5

• «Peugeot» ва «Citroën» бренди билан енгил тижорат автомо-билларини ишлаб чиқариш бўйича завод барпо этилмоқда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегияси – жаҳон ҳамжамияти эътирофида

БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси Стефан Приснер - шуни ишонч билан таъкидламоқчиманки, БМТ Тараққиёт дастури ва БМТ агентликларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари бундан кейин ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга, шу жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга кўмаклашишга тайёр

ЮНЕСКО Ҳаракатлар стратегиясини тушунтириш ва тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг фаол роль ўйнашини қайд этади

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинишини алоҳида эътироф этади

БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Миeko Ябута яқинда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг мамлакатни ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан жадал ривожлантиришга бўлган интилишининг яққол ифодасидир. Бу асосий мақсад сари, яъни 2030 йилда аҳоли жон бошига даромади юқори бўлган давлатлар қаторидан жой олиш йўлидаги муҳим қадамдир дея эътироф этади

“Харакатлар стратегияси”нинг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли учинчи устувор йўналишида Президент Шовкат Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган эзгу даъвати акс эттирилган. Мазкур устувор йўналиш шу мақсадни таъминлайдиган қуйидаги олтита йирик йўналишни ўз ичига олган.

1.

• Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш

2.

• Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш

3.

• Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш

4.

• Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш

5.

• Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва мақбул фойдаланиш

6.

• туризм соҳасини ривожлантириш

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги қарор ва фармонлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизгача етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда

Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди.

Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди.

Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмокда.



Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили қўшимча равишда 6 миллиард куб метр табиий газни олтингугуртдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият бошлайди

Шулар қаторида “Ўзагротех-саноатхолдинг” акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар

Мингдан зиёд пахта териш машинаси

2 мингдан ортиқ прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади



Миллий валютанинг эркин конвертацияси

Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди

Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан **1,5 баробар** ошиб, ўртача **1,3 миллиард долларни** ташкил этди

Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида **1,1 миллиард долларга** кўпайди

Жорий йилда мамлакатимизда **12 та** эркин иқтисодий ва **45 та** sanoat зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда

Яқин вақт ичида яна **50 та** янги sanoat зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда



Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган **янги иш ўринларини ташкил этиш** масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди



2017 йилда янги sanoat korxonalarini qurish, xizmat kursatish obyektlarini ishga tushirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hisobidan **336 mingdan ziyad yangi ish o'rinlari** tashkil etildi



Ўз-ўзидан аёнки, биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши бўлган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда

Маълумки, аҳолимизни, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам таъминланган оилаларни уй-жой муаммоси кўпдан буён қийнаб келарди. Бу оғир ижтимоий муаммога биз деярли эътибор бермай келганимиз ҳам бор гап.

Халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, биз жорий йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арзон уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришдик. Шаҳар ва қишлоқларимизда жами **3,5 миллион квадрат метр**дан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди.

Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, **2007 йилга** нисбатан **20 баробар**, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган **2010 йилга** нисбатан **3,5 баробар**, **2014 йилга** нисбатан эса **2 баробар** кўп уй-жой қурилганини кўрамиз.



ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунда юртимизда 7 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) ташкил этилган. Булар:

АНГРЕН ЭИЗ

• 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, шу пайтга қадар 23 та лойиҳага жами 457,76 миллион долларлик инвестиция киритилган бўлиб, шундан 155, 26 миллион доллари Хитой, Корея, Австрия, Сингапур, Россия, Буюк Британиядан жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир

ЖИЗЗАХ ЭИЗ

• 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда қадар 91 миллион долларлик инвестиция эвазига 19 та замонавий корхона ишга туширилган. 2016 йилда жами 255,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 11,9 миллион доллари экспортга йўналтирилган

ЖИЗЗАХ ЭИЗ

• 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 19 та корхона фаолият юритмоқда. Навоий ЭИЗ ташкил этилгандан буён жами 122 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Киритилган инвестицияларнинг 35 фоизга яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. 2015 йил якуни билан 184,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 5,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган

УЛАРДАН 4 ТАСИ

• Яъни Ургут, Гиждувон, Қўқон ва Ҳазорасп ЭИЗларининг ташкил топганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ

Бундан ташқари Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 май куни мамлакатда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган етти та эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисидаги фармонига асосан «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди

Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида
Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда

Тинч-осойишта, иқтисодий
жиҳатдан тараққий этган
Марказий Осиё — биз
интиладиган энг муҳим мақсад
ва асосий вазифадир

Биз Марказий Осиё
мамлакатлари билан ҳеч
истисносиз барча масалалар
бўйича оқилона муроаса асосида
ҳамкорлик қилишга тайёрмиз




Ўтган қисқа вақт мобайнида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит
яратишга эришилди

БМТНИНГ ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН КУТИЛАЁТГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

“Ёшлар” тушунчасининг юридик мазмуни.

Ёшлар тўғрисида сўз борар экан, аввало бу тушунчанинг унга яқин бўлган бошқа тушунчалар, масалан, “бола” тушунчаси билан ўзаро алоқадорлиги масаласини кўриб чиқишимиз лозим. Агар мамлакат ички қонунларига кўра шахс 18 ёшга тўлмасдан олдинроқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилса, ана шу вақтдан бошлаб шахс бола деб эътироф этилмайди. Ўн саккиз ёшга тўлган кунини шахс “катталар сафига” кўшилади. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция I-моддасининг мазмуни ана шундай.

“болалар” ва “ёшлар” тушунчаларининг календарь ёш нуқтаи назаридан кесишувига назар солсак, қуйидаги манзарани кўрамиз:



**МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ
ТАЪМИНЛАШ, САВОДСИЗЛИК ВА ЖАҲОЛАТГА БАРҲАМ БЕРИШНИНГ АСОСИДИР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида эътиборимизни энг кўп тортган жиҳат айнан нутқ охирида келган мавзу бўлди. Буни қарангки, ўзларининг БМТ доирасидаги илк чиқишларида, бутун дунё етакчилари қаршисида мавзуларнинг энг «қаймоғига» нутқларининг энг муҳим нуқтасида урғу бердилар.

<p>Ислом дини! Президентимиз дадил оҳангда “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб хисоблаймиз”, деб хитоб қилдилар</p>	<p>Юртбошимиз Ўзбекистоннинг янги рахбари сифатида ўзларининг ва ўзбек халқининг кемаси айнан қандай ўзанда, қайси йўналиш томон сузаётганини аниқ-тиник очиб бердилар.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу нутқи Ўзбекистон тарихида чин маънода бетакрор ходиса бўлди.</p>	<p>Яъни унда: Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг <u>"Маърифат ва диний бағрикенглик"</u> деб номланган махсус резолуциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман деб айтиб ўтдилар</p>
---	--	--	---

Ш. Мирзиёев сессия иштирокчиларига БМТ Бош
Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб
номланган махсус резолюциясининг

асосий мақсади

Барчанинг таълим олиш ҳуқуқини
таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга
барҳам беришга
кўмаклашишдан иборат

Ушбу резолюция бағрикенглик ва
ўзаро ҳурматни қарор топтириш,
диний эркинликни таъминлаш,
эътиқод қилувчиларнинг
ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг
камситилишига йўл қўймасликка
кўмаклашишга қаратилган



*Ўзбекистон Республикаси
Президенти – Шавкат Мирзиёев*

2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалиқ турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, бизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Йил давомида мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим қадам бўлди, десак, айти ҳақиқат бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда.




Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланмоқда.

Шу маънода 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди, деб айтишга тўла ҳақлимиз.

Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фўқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди.



Ҳаракатлар стратегияси
2017-2021

Жорий йилда янги **таълим муассасаларини** куриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди

12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди

320 таси реконструкция қилинди

195 та боғча капитал таъмирланди

Шунингдек, **107 та мактабгача таълим муассасаси** реконструкция қилинди ва қурилди

152 та мактаб капитал таъмирланди

Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, **Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик**

Биз ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз, жумладан, яқин 3-4 йилда барча ҳудудларда **минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтаришимиз лозим**


Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда **11 йиллик таълим қайта тикланди**

Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида **Чирчиқ давлат педагогика институти** ташкил этилди

Бундан ташқари, **15 та** олий таълим муассасасида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган **5 мингдан ортиқ педагоглар** учун олий маълумот олиш имконияти яратилди

Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Муҳаммад Хоразмий ва **Мирзо Улуғбек номлари** билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган **махсус мактаблар** ташкил этилди

2017-2021 йилларда олий таълим тизimini комплекс ривожлантириш дастури



- Маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги **Ислom цивилизацияси маркази, Имом Бухорий** ва **Имом Термизий** номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, **Ислom академияси** каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур.

● ***

- Шулар қаторида буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида **ҳадисшунослик, ислom ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом** ва **ақида илми** каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди

Ҳозирги вақда энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир.

Масалан:

Ҳозирги вақтда **64 та лицензия** тури мавжуд бўлса, шундан **21 таси** Вазирлар Маҳкамаси ва **40 таси** марказий идоралар томонидан берилади

Бу лицензияларнинг учтаси вилоят ҳокимликлари ва фақатгина биттаси туман ҳокимликлари ваколатига тегишлидир.

Бундай ҳолатни рухсат бериш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасида ҳам кузатиш мумкин

Рухсат беришга оид **220 та** ҳужжатдан фақатгина 11 тасини туман ёки шаҳарларда олиш мумкин.

Қолган **209 таси учун** республика ва вилоят органларига мурожаат қилишга тўғри келади.

Масалан, Шовот туманида хусусий боғча очишга лицензия олиш учун тадбиркор минг километр масофани босиб, Тошкентга келиб-кетишга, **3-4 ойлаб** кутишга мажбур бўлмоқда

Ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида **Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши**ни тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Бу йўналишдаги яна бир долзарб муаммога тўхталиб ўтмоқчиман. Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган

Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш зарур

Маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлайдиган қўшимча механизмлар яратишни ҳисобга олган ҳолда, **жиноят-ижро қонунчилигини янада такомиллаштириш** алоҳида аҳамият касб этади

Жазони ижро этиш муассасалари тизимини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш доирасида 2018 – 2022 йилларда тегишли чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш режалаштирилмоқда

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида барча вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади. Келгуси йилдан бошлаб ички ишлар органлари йўл-патрул ва пост-патрул хизматларини ўз вазифасини бажариш, айниқса, фуқаролар билан мулоқот жараёнини қайд этиш имконини берадиган видеокамералар билан таъминлаймиз. Бу тизим соҳадаги мавжуд таъмагирлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини яратади

Ҳозирги вақтда вилоятлар ўртасида йўл-патрул постларининг эскича жойлашуви ҳаракатланиш эркинлигини чеклаб, савдо-иқтисодий муносабатлар, ички ва ташқи туризм ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида **60 дан зиёд** бундай постлар мавжуд.

Энди тасаввур қилинг, оддий одам Хоразмдан Тошкентга машинада келмоқчи бўлса, йўлда **17 та постдан** ўтади.

Фарғона водийсидан келаётган киши эса **8 та** ана шундай постга дуч келади.

Шу муносабат билан вилоятлар чегарасидаги барча йўл-патрул постларини тугатиш, патрул хизмати стационар постлари сонини кескин камайтириш лозим

Иқтисодиёт – бу ҳисоб-китоб дегани. Ҳар бир ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим. Акс ҳолда, ҳамма ишимиз эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади. Мана, масалан

2018 йилда 66 миллиард куб метр табиий газ ишлаб чиқаришимиз керак.

Шундан 17 миллиард куб метр газ “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига етказиб берилади

Бунинг ҳисобидан 56 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилади

Афсуски, бизда электр узатиш тармоқлари эскириб кетган

Шунингдек, миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида **“Миллий логистика портали”**ни ташкил этиш лозим.

Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаймиз


Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни **“ўзбек бренди”** номи билан олиб чиқишдан иборат

Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 17 фоиздан ошмайди

Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди.

Шу муносабат билан **қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур** ишлаб чиқиш лозим

Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади.



Она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омил бўлган скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

2018 йилда 46 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади.

Улар замонавий тиббиёт ускуналари, юқори малакали кадрлар билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

14 сентябрь кuni ўзбекистон республикаси президенти вазифасини вақтинча бажарувчи шавкат мирзиёев қонунга имзо чекди.

-12 август кuni олий мажлис қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган эди.

қонун 4 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

- қонун лойиҳаси 24 август кuni олий мажлис сенати томонидан маъқулланган

Эътиборингиз учун раҳмат!

